

Темур, Темурбек

[1336-йил 9-апрел Кеш (хозирги Шахрисабз) шахри якинидаги Хожа илгор кишлоги (хозирги Яккабоғ тумани) - 1405-йил 18-феврал Ўтрор шахри, Самаркандда дафн этилган]

(1370-1405)

Тўлик исми Амир Темур кўрагоний ибн Амир Тарагай ибн Амир Буркул бўлган бу буюк тарихий шахс ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият хомийсидир. Ёзма манбаларда у Темурланг, Европа адабиётида Тамерлан номлари билан таърифланади. Амир Темурнинг онаси Такинахотун бухоролик машхур факих Тож аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машхур бўлган Убайдулла ибн Масъуднинг авлоди (1350-йил вафот этган) эди. Унинг отаси Амир Тарагай барлос уругининг оксоколиларидадан бўлиб, Чигатой улусининг эътиборли бекларидан хисобланган. Унинг аждодлари эса Чигатой саройи мулозимлари каторидан ўрин тутган. Улар Кеш ва Насаф вилоятида ўз мулкларига эга бўлган ва бу юртда хокимлик қилган. Шу боисдан Амир Темурнинг отаси Амир Тарагайбек ҳам йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чакириладиган эл-юрт бек ва бийларининг умум курултойига таклиф этилар ва бундай йигинларда катнашарди. Амир Темурнинг ёшлиги она юрти Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга беради. У ёшлик чоғлариданок чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиш, от чоптириш турли машқ ва харбий ўйинлар билан машгул бўлишни ёқтирар эди. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган мохир чавандоз ва довурак баходир сифатида вояга етади. Унинг атрофида болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари тўпланишиб, биргаликда машқ қилар, мусобакаларда иштирок этишар, аста-секин навқар бўлишиб, харбий гуруҳга бирлашиб шакллана боришади. Бу гуруҳ орасида Аббос Баходир, Жаҳон Шохбек, Кимори Инок, Сулаймон Шохбек, Сайфуддинбек ва бошқалар бўлган. Кейинчалик улар Амир Темурнинг сафдошларига айланиб, унинг кўшинида лашкарбошилиқ даражасига кўтарилганлар. Амир Темур табиатан огир, босик, теран фикрли ва идрокли, самимиятни тезда фахмлаб оладиган инсон бўлган. Шу туфайли ўспиринлик чоғларидаёқ тенгқурларидан садокатли дўстларни атрофга жалб қила олган. Ўзининг илк харбий фаолиятини Амир Темур кўл остидаги навқарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган. Уларнинг ўзаро курашларида махорат ва олийҳимматлик Амир Темурнинг шухратини ошириб, унинг донги бутун Қашқадарё водийси, хусусан Кеш вилоятига ёйилган.

Амир Темур ақл-заковати, шижоати ва жасорати тўғрисидаги шухрат уни Мовароуннахрнинг нуфузли амирларидан аввал Жоку Барлос, сўнгра Амир Казогон (1346-1358) билан яқинлаштирган. Отаси Амир Темурни аввал (1352) Амир Жоку Барлоснинг кизи Турмиш Огога уйлантиради. 1362-йилда Амир Темур Казогоннинг набираси, Амир Хусайннинг синглиси Улжой Туркон Оғони ўз никоҳига олади. Кейинги никоҳ туфайли Балх амири билан боғланган қариндошлиқ алоқалари шубҳасиз Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасидаги иттифокни юзага келтирди ва Мўғулларга қарши жиддий кураш бошланди.

Амир Темурнинг Мовароуннахрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки харакати ХИВ асрнинг 60-йиллар бошларидан бошланган. ХИВ асрнинг 50-йиллари охирида

Мовароуннахрда амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, Амир Казагон ўлдирилди. Окибатда мамлакатда сиёсий парокандалик вужудга келиб улус бир канча мустикал бекликларга бўлиниб кетади. Еттисув ва Шаркий Туркистонда хукмронлик қилаётган мўгул хонлари Мовароуннахрдаги сиёсий вазиятдан фойдаланиб, бу ерда ўз хокимиятини ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Жета хонларидан Туглук Темур ва унинг вориси Илёсхўжа 1360-1361, 1365-йилларда Мовароуннахрга бир неча бор бостириб қирадилар. Бирок Мовароуннахр аҳолиси моғулларга қарши курашга журъат эта олмайдилар. Кеш вилоятининг хукмдори Хожи Барлос Хуросонга кочади. Мана шундай оғир паллада Амир Темур майдонга қиради. Кучлар тенг эмаслигини ҳисобга олган Амир Темур 1360-йилнинг бошида Туглук Темур томонидан Кешга юборилган беклар билан келишади. Шароит тақозоси билан хон хизматиға ўтиб, унинг ёрлиги билан ўз вилоятининг доругаси этиб тайин этилади. Бирок, кўп ўтмай Мовароуннахрнинг хумдори этиб тайинланган Илёсхўжа билан Амир Темур муросаси келишмай қолиши натижасида 1361-йилнинг охирида мамлакатни тарк этиб, Хоразмға йўл олади. У ерда амир Хусайн билан учрашади ва моғулларга қарши курашда икковлон бирлашиб, куч тўплашга киришади. Дастанлар улар, Туглук Темурхоннинг фармониға биноан Амир Темурни таъкиб қилишга киришган Хива доругаси Тўкол (Таваккал) билан жанг қилдилар. Сўнгра 1362-йилнинг кузида Сеистонда вилоят хукмдори Малик Кутбиддиннинг тарафида туриб, мекронийлар билан бўлган тўқнашувда, Амир Темур ўнг қифти ва ўнг оёғидан жароҳатланди. Нихоят, Илёсхўжа бошлик Жета лашкалари билан бир неча марта жанг қилиб, мўгулларни Мовароуннахр худудидан 1364-йил охирида қувиб чиқаришға муваффақ бўлади. Бирок, Илёсхўжа 1365-йили баҳорида Туркистон устиға қўшин тортади. Тошкент ва Чиноз ўртасида содир бўлган “Лой жанги”да амир Хусайннинг хиёнатни оқибатида Амир Темур қўшинлари мағлубиятға учрайди. Самарқандни ўз қўлиға олган мўгулларга қарши халқ қўтарилиб, шаҳар мудофасини ўз қўлиға олган сарбадорлар моғулларни мамлакатдан бутунлай ҳайдаб чиқарди. Бундан хабар топган амир Хусайн томонидан сарбадорлар бошликлари катл эттирилади. Натижада, 1366-йили амир Хусайн Мовароуннахрда хокимиятни ўз қўлиға олади, аммо кўп ўтмай амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги муносабат кескинлашиб очикдан-очик низоға айланади. Улар ўртасида 1366-70-йилларда бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади. Амир Хусайнға қарши Балхға йўл олаётган Амир Темур Термиз яқиниға келганда маккалик шарифлардан Саййид Барақа Амир Темур фаолиятини қўллаб қувватлаб, унга олий хокимият рамзи катта ногора – табл билан ялов - байрок тортик қилади. 1370-йили 10-апрелда Балх шаҳри Амир Темурға таслим бўлади. Амир Хусайн катл этилади. Бу галабадан сўнг Амир Темур чингизийлардан бўлган Козонхоннинг кизи Сароймулкхонимни ўз никоҳиға олади ва “қўрагон” унвонини олишға муяссар бўлади. Гарчи салтанат тахтиға, анъанаға кўра дастанлар номиғагина Суюргатмиш (1370-1388), сўнгра унинг вафотидан кейин Султон Махмуд (1388-1402) ўтказилган болса-да, амалда марказий хокимиятни Амир Темурнинг ўзи бошқарар, вилоятлардаги хокимиятни ўғиллари, набиралари ва яқин амирлари орқали идора қиларди. 1372-йилда Амир Темур Хоразмға юриш қилиб, уни эгаллайди. Бирок тарихий воқеаларнинг тақозоси билан Амир Темур Хоразмға беш марта ҳарбий юриш қилди. Хоразм 1388-йилда узил-кесил Темур давлатиға қўшилди. Амир Темур Мовароуннахр ва Хоразмда тарқоқлигиға ва ўзаро низоларға зарба бериб, Сирдарё воҳасидан то Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфида бирлаштиради. Амир Темур давлатиға Моғилистон давлатининг доимий хужумини

бартараф этиш учун йигирма йил (1371-1390) мобайнида Могулистонга етти марта юриш килиб, Мўгул хукмдорлари Анкотўра ва Камаруддин устидан галаба козонди. Шу зайлда Амир Темур Мовароуннахр ва Хоразмда хукм сурган таркокликка, ўзаро низо ва Мўгулистон томонидан бўлиб турган тазйикка чек қўйди. Соhibкирон бу билан каноатланмай, кўшни давлатлар устига юриш килиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад килиб қўйди. Соhibкирон харбий юришни Хуросондан бошлайди. 1381-йили Амир Темур Хиротни эгаллайди. Сарахс, Жом ва Кавсия шаҳарлари жангсиз таслим бўлади. 1381-1384-йиллар давомида Эроннинг катта қисми бўйсундирилади. Аввал (1381) Калот, Туршиз ва Сабзавор, кейин (1383) Сеистоннинг Зирех, Зова, Фарах ва Буст калъалари, 1384-йилда эса Астробод вилояти ва Озарбайжоннинг Омул, Сори, Султония ва Табриз шаҳарлари бўйсундирилади. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ирок ва Шом (Сурия) устига уч марта лашкар тортди.

Бу юришлар тарихда “уч йиллик”, “беш йиллик”, “етти йиллик уруш”лар номи билан машхур. Уч йиллик (1386-1388) харбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ирокнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди. Амир Темур шу билан бирга шимоли-гарбдан, яъни Олтин Ўрда томонидан бўлаётган тазйикка барҳам бериш мақсадида Тўхтамишга қарши уч марта кўшин тортади. 1389-йилда Дизакнинг Аччик мавзеида, 1391-йили Кундузча жангида, 1395-йил Тарак дарёси бўйидаги жангларда галаба қозониб, душман кўшинини тор-мор этди. Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган галабаси, фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият қасб этган эди. Шундан сўнг, Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ирок, Шом (Сурия) устига уч марта аскар тортади. У беш йиллик (1392-1396) уруши давомида Гарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллайди. Амир Темурнинг Хиндистон устига қилган газовоти (1398- май- 1399-йил март) қарийб ўн бир ой давом этади. Хиндистондан у катта ўлжа, шу жумладан 120 та жанговар филлар билан қайтади. Ўлжаларнинг бир қисми кўшинга тарқатилиб, қолгани Самарқанд ва Кеш шаҳарларида олиб борилаётган қурилишларга ишлатилади. 1399-1404-йиллардаги етти йиллик уруш, энг шиддатли ва энг йирик жанглардан бўлиб, унинг оқибатида Шомнинг Халаб, Кумис, Баалбек, Димишк (Дамашк) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси билан Бағдод, шунингдек Туркиянинг каттагина қисми фатх этилади. Натижада икки буюк сарқарда: Соhibкирон Амир Темур билан султон Боязид Йилдиримларнинг тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади. Чунки тобора қучайиб бораётган бу икки туркий давлатларнинг хар бири иккинчиси учун ниҳоятда қучли рақибга айланган эди. Бир томондан, Европа ритсарларига қашатқич зарба бериб, Болкон ярим ороли бўйлаб, гарбга томон ўз ҳудудларини қенгайтираётган Усмонлилар давлати учун Амир Темурнинг марказлашган қучли давлатини қарор топиши қанчалик хавфли туюлса, Қичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонлилар давлатининг қучайишидан Амир Темур ҳам шунчалик манфаатдор эди. Амир Темур ҳаёт-мамот йўлида Боязид Йилдирим билан бўладиган жангга қарийб икки йилдан ортиқ тайёрланади. Ниҳоят Румга юзланиб, аввал Камох қалъасини фатх этади, сўнгра Анкара шаҳрини қамалга олади. Амир Темур билан Султон Боязид кўшинлари ўртасидаги сўнги ва ҳал қилувчи жанг 1402-йил 20-июлда Анкара яқинида Чибукобод мавзеида содир бўлади. Бу жанг тарихда “Анкара жанги” номи шухрат топади. Уч кун давом этган бу жангда Амир Темур галаба қозонди. Амир Темур Усмонли турклари давлатини саклаб қолди ва Боязид қорисларига мурувват қўлини қўзди.

Шундай бўлса-да, Боязид устидан козонилган буюк галаба билан Амир Темурни Франция кироли Карл VI (1380-1422), Англия кироли Генрих IV (1399-1413) ҳамда Кастилия ва Леон кироли Генрих III (1390-1407) табриқлаб, унга ўз муборак номларини юбордилар. Чунки Сохибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Кичик Осиёдан Самарқандга қайтган Амир Темур 1404-йилнинг 27-ноябрида 200 минг кўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқди. Бирок Хитой устига юриш Амир Темурнинг тўсатдан вафот этиб қолиши (1405-йил 18-феврал) туфайли амалга ошмай қолди. Тарихий маълумотларга қараганда, Амир Темур вафот этганда, унинг хотинларидан тўртаси – Сарой Мулк хоним, Туман ого хоним, Тукал хоним ва Рух Парвар ого хонимлар хали хаёт эдилар. Шунингдек, Амир Темур вафот қилган вақтда ундан икки ўғил, 19 невар ва 15 чевара, жами 36 шахзода хаёт эди. Булардан ташқари сохибқироннинг кичик кизи – Султон Бахт бегим ва катта кизи – Ого бегимдан тугилган ўғил – Султон Хусайн Мирзо номи невараси ҳам бор эди. Тарихий маълумотларнинг далолатига сохибқирон Амир Темур ўн саккиз марта уйланган. Бундан ташқари у 22 нафар хос қанизақларини ҳам ўз шабистонига махрам қилган.

Амир Темур 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Кўпдан-кўп харбий юришлар ва жангу жадалларни амалга оширди. Кўп мамлакатлар забот этилди. Оқибатда Хиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўлтигига қадар бўлган гоят катта ҳудудни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва Қуйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш қўли ва Ила дарёси, Шимолий Хиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундирди. Бу мамлакатлардан Амир Темур катта ўлжалар билан бир қаторда кўзга кўринган олимлар, хунармандлар ва мохир усталарни Самарқанд, Шахрисабз ва Бухорога кўчириб олиб келди. Бу шаҳар ва қишлоқлар обод қилинди. У нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта қурдирди. Бағдод, Дарбанд ва Байлақон шаҳарларини қайта тиклади. Қарвон йўлларида раҳбарлар, қалъалар, кўприқлар, шаҳарларда масжид ва мадрасалар ҳамда бог-у бўстонлар барпо этди. Энг муҳими Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги тарқоқлик ва бошбошдоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадимий қарвон йўлларини тиклади. Бу билан нафақат Мовароуннаҳр, балки Узок ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий таракқиётга халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Амир Темур Европанинг Франция, Англия ва Кастилия қаби йирик қиролликлари билан бевосита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди. А

мир Темурнинг харбий юришлари, жанг-у жадалларининг оқибатларига баҳо берилар экан, шуни таъқидлаш керакки, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич (1360-1386)да Амир Темур Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш йўлида қурашди. Амир Темурнинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти таракқиёти йўлида шубҳасиз улкан ижобий аҳамият қасб этди. Амир Темур фаолиятининг иккинчи босқичи (1386-1405)да олиб борилган “уч йиллик”, “беш йиллик” ва “етти йиллик” харбий юришларни амалга ошириб, Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Хиндистонни забот этди.

Амир Темур ҳаётлик давридаёқ унинг харбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у “Темур тузуклари” номи остида шухрат топади. Бу асар шахсан Темурнинг оғиздан ёзиб олинган деб ҳисобланади. Унда давлатни

бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг йўналиши ва вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва кўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида баён этилади. Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жихатдан фойда келтира оладиган хар канка билимни кадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. Амир Темур ҳаётлиги чоғида салтанатни асосан тўрт қисм (улус)га бўлиб, ўғил, набираларига тақсимлаб берган: Хуросон, Журжон, Мазондарон ва Сейистон (маркази Хирот) Шохруҳга, Гарбий Эрон, Озарбайжон, Ирок ва Армонистон (маркази Табриз) Мироншоҳга, Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз) Умаршайхга, Афғонистон ва Шимолий Хиндистон (маркази Газна, кейинчалик Балх) Пирмухаммадга суюрғол қилиб берилган. Амир Темур давлати ўзига хос тартиб қодаларга асосланган ҳолда идора қилинган. Амир Темур асос солган бу давлат Хуросон ва Мовароуннаҳрда ХВИ аср бошигача мавжуд бўлиб, Шайбонийхон томонидан тугатилган. Амир Темур имом Саййид Баракани ўзининг пири деб билган. Саййид Барака Темур қилич билан ниманики қўлга киритган бўлса, шуларни тоат-ибодат ҳамда ватволар бериб, дугўйлик билан мустаҳкамлаб беришга ҳаракат қилади.

Амир Темур ҳақидаги биринчи китоб 1553-йили Флоренсия (Италия)да чиккан. Италиялик олим Перондини каламига мансуб бошқа шу асрда испан тарихчиси Перо Мексиканинг “Буюк Темур тарихи” деган асари ҳам чоп этилди. 1582-йили Севилияда машхур Испания элчиси Клавиҳонинг “Есдалиқлар”и нашрдан чикди. Инглиз драматурги Христофор Морлонинг “Буюк Темур” деган сахна асари ҳам шу асрда яратилди. Шўролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилиб, бир ёклама баҳо бериб келинди. Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг, бундай қарашларга барҳам берилди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислон Каримов сай-ҳаракати билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйила бошлади. Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. “Соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эма, балки минтақамиздаги барча халқларнинг бутун маърифийинсониятнинг бойлиги”га айланди (И. Каримов). Унинг номи Ўзбекистонда абадийлаштирилди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шох қўчалар, майдонлар, жамоа хўжалиқлари, мактаблар, кинотеатрлар ва бошқалар унинг номи билан аталди. Ислон Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга хайкал ўрнатилди. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар даври музейи барпо этилди (1996), “Амир Темур” ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида хазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). Амир Темур ҳақида икки қисмдан иборат бадиий филм, спектакллар ва шеърий ҳамда насрий асарлар яратилди.